**2020 ЙИЛ — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ**

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, uzss@yandex.ru • 2020 йил 14 февраль • №6 (1287)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ТРАНСФУЗИОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА ОНКОГЕМАТОЛОГИК ВА ДАВОЛАШ ҚИЙИН БЎЛГАН КАСАЛЛИКЛАРГА ЧАЛИНГАН ШАХСЛАРНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси доирасида аҳолига қулай ва сифатли бирламчи тиббий-санитария, тез тиббий ёрдам ҳамда ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатишда қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, гематологик, онкогематологик ва бошқа даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш, ушбу касалликлар профилактикасини кучайтириш ва уларни келтириб чиқарувчи омилларнинг олдини олиш бугунги кунда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Аҳолига гематологик ёрдам кўрсатишни янги босқичга кўтариш, касалликларнинг олдини олиш ва эрта аниқлаш тизимини янада ривожлантириш, соҳага илғор ташхис усулларини жорий этиш ва гематологик касалликларни даволашда трансплантация усулини ривожлантириш, гематология ва трансфузиология хизматларининг моддий-техник базаси ҳамда кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, шунингдек, онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни даволашни молиявий томондан қўшимча қўллаб-қувватлашни ташкил этиш мақсадида:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикасида гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури** (кейинги ўринларда – Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

гематологик касалликларга ташхис қўйиш учун тиббиёт муассасаларининг лабораторияларини **реагентлар билан таъминланганлик даражасини 7,5 баробарга ошириш**;

республика ва ҳудудий тиббиёт муассасаларининг гематологик касалликларини даволаш учун зарур бўлган **дори воситалари билан таъминланганлик даражасини 2020 йилда 6 баробарга ва кейинги йилларда босқичма-босқич ошириб бориш**;

миелома ва лимфома касаллигига чалинган беморларда **аутологик ўзак ҳужайралари трансплантациясини ўтказиш;**

**трансфузиология (қон билан ишлаш) хизмати моддий-техника базасини яхшилаш**, қон компонентлари ва препаратларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли ўртасида **беғараз донорлик ҳаракатини ривожлантириш**.

Дастурга мувофиқ гематология хизматини ривожлантириш учун **546,5 миллиард** сўм ва **70,7 миллион** АҚШ доллари ажратилиши назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Гематология ва трансфузиология хизматларининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича "Йўл харитаси"** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб ва кейинги беш ўқув йили давомида **"Гематология ва трансфузиология" мутахассислиги** йўналиши бўйича - **магистратура** ва **клиник ординатурада кадрларни давлат грантлари асосида тайёрлаш**;

**ҳудудий тиббиёт муассасаларининг гематолог ва лаборант шифокорларини** асосий иш жойларида ойлик маоши сақлаб қолган ҳолда республиканинг етакчи тиббиёт муассасаларида **стажировка ўтиши** ва **малака оширишини** ташкил этиш;

гематология йўналиши бўйича кадрларни **хорижий олий таълим ва илмий муассасаларнинг клиник ординатура (резидентура), магистратура ва докторантура босқичларида тайёрлаш**.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти негизида **Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказини** (кейинги ўринларда – Марказ);

**(Давоми 2-бетда).**

*Ташриф*

## ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ ФАОЛИЯТИГА ЮҚОРИ БАҲО БЕРИЛДИ

***ЖССТ Европа бюроси минтақавий директори Ханс Клюгенинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда. Ушбу ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Нарбаеванинг ЖССТнинг Европа минтақавий бюроси директори Ханс Клюге бошчилигидаги делегацияси билан учрашуви бўлиб ўтди.***



Олий Мажлис Сенати Ахборот хизматининг хабар беришича, унда соғлиқни сақлашни ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий устуворликларидан бири экани алоҳида қайд этилган. Жумладан, сўнгги йилларда ушбу йўналишда мамлакат салмоқли натижаларга эришди, бу жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. ЖССТ делегацияси раҳбари ушбу ютуқларни тасдиқлаб, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида давлат ва жамият ҳаёти ҳамда фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасида тарихда мисли кўрилмаган суръатда ислоҳотлар олиб борилаётганини таъкидлади. Ўзбекистоннинг вакцинация соҳасидаги ютуқлари, жумладан, деярли бутун аҳоли эмлаш билан қамраб олингани эътироф этилди.

Глобал таҳдидлар ва хавфлар ҳақида сўз борганда ЖССТ делегацияси раҳбари Ўзбекистонда коронавирусга қарши олиб борилаётган ишларга юқори баҳо берди. Мамлакатда вирус тарқалишининг олдини олиш бўйича салмоқли профилактик ишлар олиб борилгани таъкидланди. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилишга Ўзбекистон қўшаётган муносиб ва муҳим ҳисса ҳисобланади.

Шу билан бирга, безгак, полимиелит ва мамлакат миқёсидаги бошқа касалликларга тўлиқ барҳам бериш борасида Ўзбекистон эришган ютуқлар эътироф этилди, бу ЖССТнинг тегишли сертификатлари билан ҳам тасдиқланган.

Ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳақида сўз борганда, парламент билан яқин ҳамкорлик қилишга урғу берилди. Бу соғлиқни сақлаш соҳасида қабул қилинган халқаро стандартларни қонунчилик даражасида мустаҳкамлаш имконини беради.

БМТ барқарор ривожланиш мақсадлари масалалари бўйича ҳамкорликни янада ривожлантириш нуқтаи назаридан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хусусан, ЖССТнинг "Хавфсиз оналик" лойиҳасини биргаликда амалга ошириш, жамиятда учрайдиган касалликлар профилактикасини давом эттириш соҳасида ҳамкорлик қилиш каби устувор йўналишлар ҳам муҳокама этилди.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги**
**Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ТРАНСФУЗИОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА ОНКОГЕМАТОЛОГИК ВА ДАВОЛАШ ҚИЙИН БЎЛГАН КАСАЛЛИКЛАРГА ЧАЛИНГАН ШАХСЛАРНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бухоро, Жиззах, Навоий, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари катталар ва болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган ўрин-жойлар сонини ошириш ҳисобига гематология бўлимларининг катталар ва болалар учун мўлжалланган ўрин-жойларини мос равишда 20-30 тага етказиш ҳамда Тошкент шаҳридаги тегишли тиббиёт муассасасида 20-30 ўринли катталар бўлимини **ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.**

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) Марказ:

Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ташкилотларининг гематология бўлимлари фаолиятига ташкилий-методик раҳбарлик қилади;

б) 2020 йил 1 апрелдан бошлаб Марказга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг фаолиятини юритиш билан боғлиқ амалдаги тартиб татбиқ этилади.

5. Давлат активларини бошқариш агентлиги, "Ҳудудгазтаъминот" АЖ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Ҳудудгазтаъминот" АЖ Чилонзор туман газ таъминоти филиалининг Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 5-мавзе, 55-а уйда жойлашган бино ва иншоотларини тегишли ҳудуди билан бирга Марказ инфратузилмасини яхшилаш мақсадида Марказга бепул ўтказиб бериш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги икки ой муддатда "Ҳудудгазтаъминот" АЖ Чилонзор туман газ таъминоти филиалига тегишли ер майдони ажратилишини таъминласин.

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қурилиш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 сентябрга қадар Марказга янги бино қуриш ва мавжуд биноларни реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш чораларини кўрсин.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳисобидан Марказнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга зарур маблағлар ажратиш чораларини кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2020-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг асосий параметрларига Марказга янги бино қуриш ва мавжуд биноларни реконструкция қилиш лойиҳасини киритиш бўйича белгиланган тартибда тегишли ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармасини** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

9. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига **тушадиган тамаки маҳсулотлари учун акциз солиғи йиғим суммасининг 7 фоизи**;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

10. Белгилансинки:

а) Жамғарма маблағлари ҳисобидан ташхис қўйиладиган ва даволанадиган онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади;

б) Жамғарма маблағларидан:

онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун тегишли тиббиёт муассасаларига асбоб-ускуналар, дори воситалари, тиббий буюмлар, лаборатория реактивлари ва бошқа сарфлаш воситаларини сотиб олишда;

онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликлар бўйича юқори технологияли мураккаб операцияларни амалга ошириш учун юқори малакали хорижий мутахассисларни республикага жалб қилишда;

онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларга республика ҳудудидаги давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларининг юқори технологик ташхис ва тиббий ёрдам кўрсатиш хизматларини харид қилиш харажатларини қоплаш учун фойдаланилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда Жамғарма тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда Жамғарма маблағларини сарфлашнинг аниқ ва шаффоф тартиби, унинг даромадлари ва харажатлари бўйича ҳисобот бериш, ошкоралик ва холисликни таъминлаш масалаларини назарда тутсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда:

Марказнинг тузилмаси ва уставини;

республика, вилоят ва туман (шаҳар) миқёсида кўрсатиладиган тиббий хизматлар ҳажми ва тури бўйича гематологик тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини;

мутахассисларнинг функционал вазифаларини ҳамда гематолог кабинети ва бўлимини жиҳозлаш стандартларини тасдиқласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг ҳар йилги параметрларини шакллантиришда ушбу қарор билан тасдиқланган тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағларни назарда тутсин;

Жамғармага белгиланган миқдордаги маблағлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан йўналтирилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Дастурда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва халқаро ҳукумат молиявий ташкилотларининг имтиёзли кредитлари (қарзлари) ва грантларини жалб қилиш бўйича зарур чораларни кўрсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарор ижроси қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Арипов – мазкур қарорнинг ўз вақтида сифатли ва тўлиқ ижро этилишини **таъминласин**, унда кўрсатилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун масъул вазирлик, идоралар ва ташкилотлар фаолиятини самарали **мувофиқлаштирсин,** уларнинг **бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини ҳар чоракда қабул қилсин** ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж. А. Қўчқоров – мазкур қарор билан белгиланган тегишли чора-тадбирларни **тўлиқ ҳажмда молиялаштирилишини таъминласин,** ажратилаётган бюджет маблағларининг **самарали фойдаланиши устидан назорат ўрнатилишини ташкил қилсин**;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А. К. Шадманов – аҳолига **гематологик ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш**, касалликлар **профилактикаси, эрта ташхис қўйиш ва даволаш** чораларини такомиллаштирсин, Жамғарма маблағларидан **мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминласин** ҳамда мазкур қарор ижроси бўйича **ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига** ахборот киритиб борсин;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Б. М. Низамов – Марказга янги **бино қуриш ва мавжуд биноларни реконструкция қилиш**, гематология ва трансфузиология хизматларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, **дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани белгиланган муддатларда ва тўлиқ ҳажмда харид қилиш** ишларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминласин ҳамда соҳага халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг **грант маблағларини кенг жалб қилсин**;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А. К. Кўчимов ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси в.б. А. Д. Хаджаев – ушбу қарорнинг **мазмун-моҳияти** ва амалий аҳамиятини ёритишга оид **мақолалар, брифинглар, пресс-конференциялар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсинлар**.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2020 йил 10 февраль*

*Сотрудничество*

# РЕКТОР ТМА ИЗБРАН ЧЛЕНОМ ПРЕЗИДИУМА СОВЕТА РЕКТОРОВ МЕДИЦИНСКИХ И ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИХ ВУЗОВ

***В городе Москве состоялось внеочередное собрание Совета ректоров медицинских и фармацевтических высших учебных заведений. Данный Совет является современной площадкой и организацией, объединяющей руководителей всех медицинских и фармацевтических вузов Российской Федерации, а также других стран.***

Единственный член данного Совета из Республики Узбекистан – ректор Ташкентской медицинской академии Лазиз Туйчиев. А председателем Совета является ректор Первого Московского государственного медицинского университета имени И. М. Сеченова, академик Петр Глыбочко.

В ходе проведенного собрания, по предложению председателя Совета, состоялось утверждение нового состава членов Президиума в числе 11 человек. И ректор Ташкентской медицинской академии, профессор Л. Туйчиев по итогам голосования, единогласным решением членов Совета был избран членом Президиума Совета.

Для справки: Президиум Совета ректоров медицинских и фармацевтических вузов – это постоянно действующий коллегиальный орган управления, осуществляющий текущее руководство Советом. Президиум избирается на три года. Задачами Президиума является координация деятельности Совета и принятие стратегических решений по развитию деятельности ассоциации.

Участие профессора Л. Туйчиева в данном Совете способствует укреплению двустороннего партнерства между медицинскими вузами Узбекистана и России, расширению сотрудничества с ведущими медицинскими вузами мира, а также решению наиболее значимых вопросов развития медицинского образования и реализации международных образовательных проектов и программ.



**Отдел по связям с общественностью Министерства здравоохранения.**

*Жараён*

# «ЎЗБЕКИСТОН ТЎҒРИ ЙЎЛДАН БОРМОҚДА...»

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Жамоатчилик билан алоқалар бўлими хабар беришича, жорий йилнинг 1 февралидан ўз вазифасини бажаришга киришган ЖССТнинг Европа минтақавий бюроси директори Ханс Клюге хорижга биринчи расмий ташрифини Ўзбекистондан бошлади. Бу эса мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида муҳим воқеа бўлди.**





**Ханс Клюге** *24 йилдан буён соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият кўрсатиб келади. У ўз фаолиятини Белгияда оилавий шифокор сифатида бошлаб, сўнгра Сомали ва Либерияда "Чегара билмас шифокорлар" сафида ишлаган. Х. Клюге Россиядаги жазони ижро этиш тизимида сил касаллигига қарши кенг кўламли дастурларда фаол иштирок этган. Доктор Клюге ЖССТнинг Жануби-Шарқий Осиё минтақавий бюросида сил, ОИТС ва безгакка қарши кураш дастурларини ҳам назорат қилди. Сўнгги ўн йил давомида ЖССТнинг Европа минтақавий идорасида соғлиқни сақлаш тизимидаги катта ўзгаришларда ўз ҳиссасини қўшган. У ўтган йилнинг сентябрь ойида Даниянинг Копенгаген шаҳрида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий қўмитасининг 69-сессиясида ЖССТнинг Европа минтақавий бюроси директорилигига сайланган ва жорий йилнинг февраль ойидан ўз вазифасини бажаришга киришган.*

Дарҳақиқат, Ханс Клюгенинг расмий ташрифи бугунги кунда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ЖССТнинг ҳам мунтазам эътиборида эканлигидан далолатдир.

Айтиш мумкинки, нуфузли меҳмон ташрифи доирасида мўлжалланган режаларга муваффақиятли даражада эришилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадманов ва ЖССТнинг Европа минтақавий бюроси директори Ханс Клюге ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Самарали ўтган мулоқот давомида Ханс Клюге Европа минтақавий бюроси ҳамда мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга, шунингдек, тиббий таълим ва фан соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган муносиб қўшган ҳиссаси учун "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси" кўкрак нишони ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг фахрий профессори унвони билан тақдирланди.



### МАЪЛУМОТ ЎРНИДА

***Дунёнинг 194 та давлати аъзолигини қабул қилган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюросига 53 та мамлакат, жумладан, Ўзбекистон ҳам аъзо ҳисобланади. Бюронинг бош штаби Копенгагенда жойлашган ва унинг илмий, техник мутахассислар жамоаси соғлиқни сақлашнинг турли йўналишларида фаолият олиб боради. Бюронинг 29 та мамлакатда 4 та филиал ва идоралари мавжуд.***







**Ҳамкорлик келишуви имзоланди**

Жорий йилнинг 11 февраль куни Соғлиқни сақлаш вазирлигида бўлиб ўтган брифингда Ханс Клюге мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида самарали фаолиятлар олиб борилаётгани, жумладан, Ўзбекистонда юқумли бўлмаган касалликларга қарши курашиш масалаларига давлат сиёсати даражасида ёндашилаётганлигига алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, Ўзбекистон бу борада Марказий Осиёнинг етакчи давлатларидан бири эканлигини таъкидлади. Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадманов Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан кўплаб муҳим масалаларда яқиндан ҳамкорлик қилиб келинаётганлигини таъкидлаб, Президентимизнинг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини яратишда ЖССТ экспертларининг ёрдамини алоҳида эътироф этди. Бундан ташқари, соғлиқни сақлашни молиялаштиришни яхшилаш, мажбурий тиббий суғурта ва электрон соғлиқни сақлаш тизимини жорий этиш, соғлом турмуш тарзи ҳамда соғлом овқатланишни тарғиб қилиш, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлар, саломатлик учун зарарли бўлган одатларга қарши кураш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган қатор самарали вазифаларда ҳам халқаро экспертларнинг кўмаги беқиёс эканлигини айтиб ўтди.

Самимий руҳда ўтган учрашувда Ханс Клюге Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 24 январь куни Олий Мажлис палаталарига йўллаган навбатдаги Мурожаатномасида соғлиқни сақлаш тизими хусусидаги фикрларини аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги юксак олижаноблик сифатида баҳолади.

*Эслатиб ўтамиз:* *соғлиқни сақлаш тизимига яхлит ёндашув асосида барқарор соғлиқни сақлаш сиёсатини ишлаб чиқишда ёрдам кўрсатувчи ЖССТнинг Ўзбекистонда ҳам ваколатхонаси мавжуд. У тизим доирасида стандартларни белгилаш ва шартномалар тузиш каби вазифаларни ҳам қамраб олади.*

Пресс-брифингда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЖССТнинг Европа минтақавий бюроси ўртасида 2020 – 2021 йилларга мўлжалланган икки йиллик ҳамкорлик келишуви имзоланди. Вазирлик мутахассисларининг таъкидлашича, ўзаро маслаҳатлашувлар асосида ишлаб чиқилган мазкур ҳужжат ўзаро ҳамкорликларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Фаолиятларга юқори баҳо берилди**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан халқаро мутахассис иштирокида ташкил этилган матбуот брифингида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари кўмагидаги фаолиятлар, хусусан, Сирдарё вилоятида тиббий хизматларнинг янги моделлари бўйича қўшма пилот лойиҳаси бошлаб юборилганлиги ҳақида маълумот берилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур лойиҳа босқичма-босқич бутун мамлакат бўйлаб жорий этилиши режалаштирилган. Шунингдек, ЖССТ ва Ўзбекистон ҳамкорликда ҳар бир фуқаронинг зарур ва сифатли тиббий хизматлардан фойдаланишини таъминлаш борасидаги фаолиятлар ҳам ҳар икки томон фикри билан юқори баҳоланди.

Ханс Клюге фикрига кўра, Ўзбекистон аҳоли саломатлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича тўғри йўлдан бормоқда. Жумладан, Сирдарё вилоятидаги татбиқ этилаётган лойиҳа ушбу мақсадларга эришишни таъминлайдиган кучли соғлиқни сақлаш тизими ва бирламчи тиббий ёрдамни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, изчил ислоҳотларнинг асосий қисми сифатида назарда тутилган тиббиётнинг бирламчи бўғинда кадрлар масаласини ҳал қилишга қаратилган чора-тадбирларни ҳам алоҳида эътироф этди.

### Эътироф

*«Ўзбекистонда аввал ҳам бўлганман, жумладан, 20 йил аввал Қорақалпоғистон Республикасида сил касаллигига қарши кураш йўналишида фаолият олиб борганман. Умуман олганда, мамлакатингиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ЖССТнинг эътиборидан четда қолгани йўқ. Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадмановнинг ЖССТнинг Европа минтақаси бўйича вице-президенти этиб сайланганини фикримнинг тасдиғидир, – дейди Х. Клюге.*

**Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ҳақли равишда дунё миқёсида ҳам эътироф этилмоқда. Бу эса нафақат тиббиёт тизими, балки аҳоли саломатлигини таъминлаш борасида мамлакатимизнинг муваффақиятидир.**

Ҳасан **АБДУҒАНИЕВ** тайёрлади.

Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128

*Ислоҳот ва самара*

# ЖАҲОНГА НАМУНА СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

***Маълумки, мамлакатимизга ташриф буюрган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси директори Ханс Клюге Ўзбекистон тиббиёт тизимидаги фаолиятлар билан танишар экан, соҳада эришилган ютуқларга ўзининг юксак баҳосини бермоқда.***








Жумладан, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида бўлиб, у ердаги тиббиёт ходимларининг фаолияти, илмий салоҳияти, мамлакали мутахассислар томонидан ноёб операция жараёнларининг амалга оширилаётганлиги, айниқса, беморлар учун яратилган шароитларни алоҳида эътироф этди.

– Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида бўлар эканман, ушбу муассасадаги фаолиятларни хорижий давлатлар клиникалари фаолиятидан қолишмаслигига амин бўлдим. Марказ ҳовлисига кириб борар эканмиз, ҳудуддаги табиат манзараси ҳамда замонавий бинонинг ташқи кўриниши эътиборимни ўзига тортди. Муассаса ичкарисига ташриф буюрганимизда, бўлимларнинг тоза-озодалиги, операция блокларининг энг сўнгги русумдаги аппаратуралар билан жиҳозланганлиги, бунинг баробарида, беморлар учун яратилган шароитларни кўриб, соҳада эришилаётган натижалар кўлами ниҳоятда кенглигига амин бўлдим. Албатта, тизимда қўлга киритилаётган ютуқлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунда Президентингиз Шавкат Мирзиёевнинг инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига бўлган эътибор ва ғамхўрлигида, деб биламан. Шу ўринда таъкидлашим жоизки, бундан 20 йил аввал, силга қарши курашиш лойиҳаси доирасида Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ ва Қўнғирот туманларида иш олиб борганман. Мана, орадан кўп вақт ўтган бўлсада, самарали фаолиятлар натижасида марказда қўлга киритилган ютуқлар, шунингдек, мазкур касалликнинг олдини олиш борасида юртингиз миқёсида профилактик ишларнинг тўғри йўлга қўйилганлигини, кўриб, соҳада катта ўзгаришлар ўз ифодасини топганлигига ишонч ҳосил қилдим. Натижалар жуда ажойиб. Жоиз бўлса, Ўзбекистоннинг бундай тажрибасини бошқа мамлакатларга ҳам намуна сифатида тавсия қилган бўлар эдим, – **дейди Ханс Клюге.**

– Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси директори Ханс Клюге ва иштирокчилар марказимизга ташрифи чоғида, интенсив терапия ва урология бўлимлари, юқори технологиялар билан жиҳозланган хирургия блоки ҳамда KFW "Туберкулез-VI" лойиҳаси доирасида олинган миллий референс лабаротория ҳамда USAID халқаро ташкилотининг молиявий кўмаги билан ташкиллаштирилган ва онлайн режимда мониторинглаш ҳамда дистанцион ўқитиш имкониятини берувчи янги техника билан жиҳозланган "Дистанцион ўқитиш ва мониторинг қилиш инновацион маркази" ҳамда иккинчи терапия бўлимида "Чегарасиз врачлар" халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда амалга оширилаётган клиник кўп марказли TB-PRACTECAL тадқиқотининг сайти билан яқиндан танишдилар. Марказимиз фаолияти билан танишган Ханс Клюге мамлакатимизда туберкулёзга қарши олиб борилаётган ишларни ижобий баҳолаганлиги, бу албатта, юртимиз тиббиётига берилган эътироф ва Ўзбекистон халқига бўлган ҳурмати деб билдим, – **дейди Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Наргиза Парпиева.**

Айтиш жоизки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси директори Ханс Клюге Ўзбекистоннинг сил касаллигига қарши курашда эришган натижаларини эътироф этиши бежиз эмас. Давлатимиз раҳбарининг "Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда ушбу ҳужжат билан қабул қилинган "2019 – 2021 йилларда сил ва ўпканинг носпецифик касалликлари тарқалишига қарши курашиш комплекс чора-тадбирлари" дастури соҳа ривожини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда сил касалликларини даволаш бўйича юқори натижалар қайд этилмоқда. Хусусан, даволаш самарадорлиги 87 фоизга етказилди. Дунёда ушбу кўрсаткич 85 фоиз эканини инобатга олсак, албатта, унинг ифодаси сифатида кўришимиз мумкинки, ЖССТ маълумотига кўра, силга қарши олиб борилган тадбирларнинг натижалари бўйича Ўзбекистон фтизиатрия хизмати Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа ҳудудига кирувчи 53 мамлакат орасида иккинчи ўринни эгаллаб, кучли учликдан ўрин олди.

**Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бундай эътирофлар замирида инсон саломатлигига қаратилган эзгу мақсадлар ётар экан, албатта, мазкур машаққатли ва масъулиятли ишларда соҳа мутахассисларининг ўрни алоҳида эканлигини муносиб эътироф этиш ўринлидир.**

# ВАЗИРНИНГ ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

***Куни кеча Тошкент врачлар малакасини ошириш институтиниг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг тиббиёт соҳасидаги сурхондарёлик битирувчи ёшлар билан учрашуви бўлиб ўтди.***

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадманов кириш сўзи билан очиб, аввало, ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини мустаҳкамлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш Юртбошимиз эътиборида эканлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, яқинда Президентимизнинг Парламентга йўллаган Мурожаатномасидан келиб чиққан ҳолда соҳа ходимлари меҳнатини улуғлаш билан бирга тизимда амалга оширилаётган фаолиятларда кадрлар салоҳияти муҳим ўрин тутишини айтиб, бу борада ўз фикрларини билдирди. Жумладан, бугунги кунда малакатимиз тиббиёт тизимидаги самарали натижаларга тўхталиб, пойтахтимиз ҳамда ҳудудлардаги тиббиёт муассасалари юқори технологияли аппаратуралар ва замонавий асбоб-ускуналар таъминланганлигини, айни пайтда ҳам сўнгги русумдаги айрим аппаратуралар келтирилаётганлигини айтиб ўтди. Вазир бугунги кунда ҳудудларда кадрлар етишмовчилиги масаласига ҳам атрофлича тўхталди. Учрашувда Сурхондарё вилоят ҳокимнинг ўринбосари Чори Бегимқулов, Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Бобохон Шукуровлар ҳам сўзга чиқиб, вилоятнинг айрим туманларида кадрлар етишмовчилиги катта муаммо эканлигини таъкидлаб, тиббиёт олий ўқув юртларида таълим олаётган сурхондарёлик ёшлардан умидлари катта эканлигини ҳамда ушбу соҳанинг назарий ва амалий билимларини чуқур эгалашларини алоҳида айтиб, битирувчиларга ўз ҳудудларида фаолият юритиши учун барча шароит ва имкониятлар яратиб беришларини айтишди.

**Талабалар томонидан берилган кўплаб саволларга мутахассислар томонидан жавоблар берилди.**

**Саҳифа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади.**











14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

# БОБУРИЙЛАР ДАВРИ ТАБОБАТ ИЛМИ

***Айни кунларда буюк давлат арбоби, моҳир саркарда ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишлаб турли тадбирлар, адабий кечалар ва учрашувлар бўлиб ўтмоқда.***



Эътироф этиш жоизки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон халқлари тарихи, географияси, этнографиясига оид қимматли маълумотларни ўз ичига олган «Бобурнома», «Мубайин», «Туркий девон» каби асарлари билан ўзбек мумтоз адабиёти ва адабий тили ривожига муносиб ҳисса қўшган. Хусусан, унинг нодир «Бобурнома» асари кўп йиллар давомида тўпланиб бориб, 1525-1530 йилларда китоб қилингани, аруз назариясига оид мураккаб «Мухтасар» асари икки йилдан ҳам қисқа фурсат ичида дунё юзини кўргани фикримизнинг исботидир. Тарихдан маълумки, Бобурга шеърият мулкининг султони Алишер Навоий билан учрашиш, суҳбат қуриш бахти насиб этмаган, аммо шунга қарамай, улар бир-бирининг ижодига ҳурмат ва эҳтиром билан ёндашишган. Шу боис, Бобур умр бўйи буюк Навоий даҳосига эҳтирому таъзимда яшади. Навоий шунинг учун ҳам Бобур назарида бадиият ва илм уммонининг буюк дарғасига айланиб қолди. Бу эътирофни у «Бобурнома» асарида ҳам бир неча бор баён этган. Навоийнинг ижоди ва шахсига берилган «Алишербек назири йўқ киши эрди. Туркий тил била то шеър айтибтурлар, ҳеч ким онча кўб ва хўб айтқон эмас» деган ажойиб таъриф Бобур тилида меҳр ва ҳурмат, самимият билан жаранглайди. Шубҳасиз, у Навоийни ўзига устоз сифатида эътироф этиб, яратган ғазал ва рубоийларининг ҳар бир сатри, мисрасида талабчан Навоийнинг ғойибона нигоҳи ва нафаси борлигини ҳис этиб турган. Бобур бу билан ҳам кифояланмай, «Мезон-ул-авзон»га жавобан «Мухтасар» асарини битади ва аруз назарияси бобида ҳатто устози билан ижодий баҳсга киришади.

Асрлар оша ижодлари эъзозланиб, ўрганилиб келаётган мумтоз адабиётнинг асосчилари ҳисобланмиш бу иккала мўътабар ижодкор бутун умрлари давомида Ватанга муҳаббат, тенглик, дўстлик ва тотувлик учун курашдилар, севги ҳамда вафодорлик мадҳи орқали турли халқларнинг биродарлигини, уларни насл-у насабига қараб эмас, балки инсоний фазилатларига қараб қадрлаш кераклигини айтиб келдилар.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, Бобур мирзо ўз даврида табобат илмига ниҳоятга чуқур эътибор билан қарайди. Табибларга фаолият кўрсатиши, инсонлар дардига дармон бўлишлари учун бор имконият ва шароитларни яратиб беради, шифохоналар қурдиради. Шу сабабли Бобур саройида кўплаб табиблар хизмат қилишган, аммо улар орасида Юсуфийнинг ўрни алоҳида бўлган. Бобур уни ҳурмат қилган ва ҳар бир ишини қадрлаган.

Бобурнинг хос табиби ҳақида гапирар эканмиз, унинг «Бобурнома» асарида ҳам бу ҳақда кўплаб фикрларга дуч келамиз. Юсуф ибн Муҳаммад ибн Юсуф ат-Табиб ал-Харевий XV аср охирида Хуросоннинг Хаф шаҳрида таваллуд топган. Унинг отаси Муҳаммад ибн Юсуф ўз даврининг етук олими ва табиби бўлган. Шу боис, Юсуфий табобат сирларини отасидан ўрганган.

Бобур мирзо Афғонистонда турган пайтда бошқа машҳур кишилар қатори Юсуфий билан ҳам учрашиб, унинг иқтидори, ақл-заковати, хуш фазилати ва инсоний хислатларига қойил қолади. Ўз даврида Ҳиротдаги адабий муҳит таъсири уни шоир сифатида шакллантиради. У шеърий асарларини Юсуфий тахаллуси билан ёзган. Табиб сифатида замондошлари унга қуйидагича таъриф беришади: «Хушхулқ, жаҳонгашта, суҳбат қурган киши анинг ақлу заковати, муомала маданияти юқори эканига амин бўлур эди».

Бу ҳақда Бобурнинг «Бобурнома» асарида: «Мавлоно Юсуф табибким, томур кўрмоқ, ташхис қилмоқ анинг иши эрди», деб маълумот бериб ўтган.

Табиб Юсуфий ота юрти Хиротнинг нотинчлиги сабаб, Бобурнинг таклифига кўра Ҳиндистонга кетади. Ҳиротдаги даврида тиббиётга оид 14 та назмий ва насрий, этикага оид 2 та асар ёзган. Бу асарлар дунёнинг турли кутубхоналарида сақланмоқда. 1509-1520 йилларда рубоий жанри воситасида ёзган «Касалликлар давоси» асари машҳур бўлган.

Мухтасар қилиб айтганда, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бой илмий-маънавий мероси келгуси авлодлар учун туганмас хазина бўлибгина қолмай, уларнинг маънавий-маърифий дунёлари бойишига ҳам хизмат қилади.

**Намоз ТОЛИПОВ.**

*Ислоҳот*

# БАРЧАСИ КЕЛАЖАК АВЛОД УЧУН

***Куни кеча пойтахтимизнинг Яшнобод туманида яна бир «Аёллар маслаҳатхонаси» иш бошлади. 741 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишлари эвазига барпо этилган муассасада аёллар саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган.***





Шу муносабат билан ташкил қилинган тадбирда Яшнобод туман ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари Феруза Раҳматуллаева, туман прокурори Олимжон Азимов, Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази директори Барно Одилова ҳамда туман тиббиёт муассасалари, маҳалла фуқаролар йиғини мутасаддилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

**Муаттар АБДУЛЛАЕВА, Яшнобод туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи:**

*– Янгидан ташкил қилинган «Аёллар маслаҳатхонаси» бўлими умумий 14 та хонадан иборат бўлиб, уларнинг барчасида туман ҳудудида истиқомат қилувчи қизлар, туғиш ёшидаги аёллар ва ҳомиладорларга акушер-гинеколог ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатилади. Аввало, аҳолининг жисмоний фаоллигини ошириш, уларни соғлом турмуш тарзига жалб қилиш мақсад қилинган. Шунингдек, бу ерда аёлларимизни тиббий кўрикдан ўтказиш ва аниқланган касалликлар бўйича тиббий муолажалар кўрсатиш учун кундузги шифохона хизмати ҳам йўлга қўйилди. Бундан ташқари, скрининг перинатал хонаси, қолаверса, келгусида ихтисослашган марказлар билан он-лайн тарзда боғланиб, фаолият юритиш учун махсус хона яратилди. Энг катта мақсадимиз, Президентимиз томонидан тиббиёт олдига қўйилган талаблардан бири беморлар ва аҳоли учун «Электрон карта» юритиш тизимини айни шу бўлимдан йўлга қўймоқчимиз. Албатта, бунинг учун барча имкониятларимиз мавжуд. Бу борадаги фаолиятларимизни жорий йилнинг биринчи ярим йиллигига қадар ушбу муассаса мисолида малакали мутахассисларимиз билан тўлиқ таъминлашга бор имкониятимизни сафарбар этамиз.*









Дарҳақиқат, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими фаолиятига босқичма-босқич жорий қилинаётган ушбу амалиёт Яшнобод туманида намунали даражада ташкил қилинди, дейиш мумкин. Замонавий жиҳозлар, жисмоний машғулотлар билан шуғулланиш учун зарурий спорт анжомлари, ёруғ ва шинам хоналар шундан далолатдир. Қолаверса, мазкур муассасада ўзгача услубда янгиликлар жорий этилган. Хусусан, ҳомиладор аёллар кўриги жараёни, яъни боланинг ривожланиш ҳолати, унинг ҳар томонлама соғлом дунёга келиши учун она ва болага нималар талаб этилишини замонавий мониторлар орқали оила аъзоларига ҳам намойиш этиш имкони яратилган. Таъкидлаш жоизки, буларнинг барчаси мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, туғиш ёшидаги аёлларнинг саломатлигини тизимли тиббий кўриклар ёрдамида таъминлаш, бир сўз билан айтганда, оналар ва келажак авлодларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг юксак намунасидир.

**Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ислоҳотлар самараси амалиётда кўринади. Яратилган имкониятлар намунали даражада. Шундай экан, фаолиятлар натижаси ҳам ижобий бўлади. Зеро, халқимиз бундан ҳам юксакларига муносибдир.**

**Ҳасан АБДУҒАНИЕВ.**
**Муаллиф олган суратлар.**

*Фан ва амалиёт*

# ФУҚАРОЛАРНИНГ РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИГИГА ҚАРАТИЛГАН ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ

***Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунасидир. У ҳеч кимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, тинч ва осойишта, фаровон яшашнинг қонуний кафолати бўлиб келмоқда. Мана шу ўтган чорак аср давомида мамлакатимиздаги туб ислоҳот ва ўзгаришларнинг барчаси Конституциямиз асосида амалга оширилмоқда. Бу эса унинг ҳақиқатан ҳам халқимиз манфаатларига, давлатимизнинг стратегик мақсадларига тўла жавоб берадиган, ҳар томонлама пухта ишланган муҳим сиёсий ҳужжат эканидан далолат беради.***

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан фуқароларимизнинг Конституцияда мустаҳкамланган ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Амалга оширилаётган ислоҳотлар конституциявий тамойил ва қоидаларга мувофиқ тарзда амалга оширилиб, ҳуқуқ устуворлиги бош мезон сифатида белгиланган. Шуни айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларга Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ҳам юқори баҳо берилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида "Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга"лиги белгиланган бўлиб, репродуктив саломатликда мазкур ёшдагилар ҳам малакали тиббий хизматдан фойдаланиши муҳимдир. Ушбу муҳим конституциявий ҳуқуқни самарали амалга ошириш бўйича охирги йилларда ислоҳотлар изчиллик билан олиб борилмоқда. Аввалամбор, ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича махсус қонунлар қабул қилинган. Жумладан, 1996 йилги "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонун ва бошқа бир қатор қонунлар бўйича фуқаролар соғлигини сақлашдаги барча муносабатлар тартибга солинган. Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгадирлар. Давлат ёши, жинси, ирқи, миллати, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар фуқароларнинг соғлиғи сақланишини таъминлайди. Давлат фуқароларда касалликларнинг ҳар қандай шакллари борлигидан қатъи назар, уларнинг камситишлардан ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Ушбу қоидани бузишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Фуқаролар соғлиғини сақлашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:**

соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши;

аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўла олиши;

профилактика чора-тадбирларининг устунлиги;

соғлиғини йўқотган тақдирда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши;

тиббиёт фанининг амалиёт билан бирлиги.

Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, халқаро стандартларга жавоб берадиган тиббий хизматни аҳоли учун ташкил этиш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан кўплаб ташаббуслар илгари сурилди ва ҳозирги кунда самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, умумэътироф этилган халқаро методикаларга мувофиқ аниқланадиган мамлакат аҳолиси саломатлиги кўрсаткичларининг барқарор яхшиланишини ва соғлиқни сақлаш тизимидан қаноатланганлик даражасини таъминлаш:

дастлабки босқичда минтақада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги бўйича етакчи ўринларни ҳамда кейинчалик соғлиқни сақлаш тизими самарадорлигининг жаҳон рейтингларида муносиб ўринни эгаллаш;

аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам ҳажмида хусусий сектор улушини салмоқли даражада кўпайтириш, ушбу хизматнинг сифатини ва ундан фойдаланиш имкониятларини ошириш;

миллий иқтисодиётнинг бюджетини шакллантирадиган тармоғи сифатида тиббий туризмни шакллантириш, кейинчалик унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотига ҳиссасини изчил ошириб бориш;

**Республика тиббиёт ва фармацевтика ходимлари, шу жумладан, бошқарув кадрларига халқаро стандартларга мувофиқ узлуксиз таълим бериш ва улар малакасини оширишнинг замонавий тизимини яратиш:**

зарур статистик ахборот билан таъминлаш мақсадида тиббиёт статистикасини тўплаш ва таҳлил қилиш тизимини такомиллаштириш ва рақамлаштириш, шунингдек, статистик кўрсаткичларни манипуляция қилиш имкониятини истисно этадиган халқаро стандартлар ва методикаларни жорий этиш;

халқаро стандартларга жавоб берадиган соғлиқни сақлаш инфратузилмасини яратишга, шу жумладан, тиббиёт ва фармацевтика ташкилотларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш учун молиявий маблағлар жалб этишга, шу билан бирга, соғлиқни сақлаш соҳасида янги ташкилотлар ташкил қилишга кўмаклашиш;

тиббиёт ходимларининг обрўсини, ушбу касб нуфузи ва мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимига бўлган ишончини ошириш, тиббиёт ходимларига одоб-ахлоқ қоидаларини сингдириш, коррупция кўринишларига барҳам бериш ва уларнинг олдини олиш, касбий фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш чораларини кўриш;

тиббиёт ходимлари касбий малака даражаси, шунингдек, уларнинг кўникмалари замонавий талаблар ва жаҳоннинг энг яхши амалиётига мувофиқлиги устидан, шу жумладан, улар фаолиятини якка тартибда лицензиялашни жорий этиш орқали таъсирчан мониторинг тизимини йўлга қўйиш;

тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, ушбу соҳага замонавий стандартларни жорий этиш, соғлиқни сақлаш соҳасидаги юқори малакали хорижий эксперт ва мутахассисларни мамлакатга фаол жалб қилиш, мамлакатимиз мутахассислари ва экспертларининг чет элда стажировка ўташини ташкил этиш;

мамлакатимиз тиббиёт ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини ва жаҳоннинг энг яхши амалиётини чуқур ўрганиш асосида шифокор (тиббий) хатолари, касалликларни нотўғри диагностика қилиш ва даволаш ҳолатларини камайтиришнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

мамлакат соғлиқни сақлашни бошқариш тизимига, шу жумладан, тиббиёт ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилиш масалаларида хорижнинг энг яхши амалиётини мослаштирилган тарзда жорий этиш, шунингдек, фуқароларни тиббий суғурталашни жорий қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш;

хусусий, энг аввало, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш, соғлиқни сақлашнинг хусусий тизимини жадал ривожлантириш мақсадида давлат-хусусий шерикликнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимига жорий этиш;

хорижий (халқаро) тиббиёт ва бошқа ташкилотлар билан соғлиқни сақлаш масалалари бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш, шу жумладан, республика соғлиқни сақлаш тизимига грантлар, кредитлар, донорлик ва бошқа маблағларни жалб этиш мақсадида учрашувлар, музокаралар ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш, шунингдек, ушбу маблағларнинг мақсадли ва самарали ишлатилишини мониторинг ҳамда назорат қилиш;

салоҳиятли инвесторлар, айниқса, хорижий инвесторларга республиканинг хусусий соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш учун инвестиция киритиш масалалари бўйича ахборот, маслаҳат, ҳуқуқий ва бошқа шаклларда, шу жумладан, бизнес-режалар ишлаб чиқиш ва таклиф этилаётган лойиҳаларни амалга оширишни молиялаштириш манбаларини жалб қилиш орқали ҳар томонлама кўмак кўрсатиш.

Давлатимиз томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ва оила институтига алоҳида эътибор берилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини 40-моддасини амалга оширишда аҳолимизни репродуктив саломатлик борасида малакали тиббий хизматга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида Ҳукуматимиз томонидан кўплаб давлат дастурлар қабул қилинган ва амалга оширилган. Айниқса, 2019 йил 11 март куни "Репродуктив саломатлик тўғрисида"ги қонун қабул қилингани ушбу конституциявий ҳуқуқларимизни амалга ошишда бизнинг қонунчилигимизда катта ютуқ бўлди. Ушбу қонунда тиббий хизматлар ҳаммабоплиги ва сифати, шахсий ҳаётга аралашувлардан ҳимоя ва оилавий сирларни сақлаш, инсонпарварлик, шунингдек, эркаклар ва аёллар тенглиги репродуктив саломатлик ва оилани режалаштиришни муҳофаза қилишнинг асосий тамойиллари этиб белгиланди. Фуқароларнинг репродуктив саломатлиги тўғрисида ишончли ва тўлиқ ахборот олишни, ҳомиладорлик, туғиш ва туғишдан кейинги даврдаги тадбир, муолажа ҳамда хизматларни, репродуктив тизим, жинсий йўл билан юқадиган касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволашни, эҳтимолдаги асоратларнинг ва репродуктив тизим функциялари бузилиши оқибатларининг олдини олишга кўмаклашган ҳолда ҳомиладорликни хавфсиз равишда сунъий тўхтатишни, контрацепция усуллари ва улардан фойдаланиш тўғрисида ахборот олишни назарда тутади.

**Ушбу қонунда фуқароларнинг қандай ҳуқуқлари кўрсатилган?**

**Ушбу қонунда белгиланишича, фуқаролар қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

хавфсиз ва самарали репродуктив технологиялардан фойдаланган ҳолда ўз фарзандларининг туғилиши хусусида мустақил равишда қарорлар қабул қилиш;

ўзининг репродуктив саломатлиги тўғрисида ишончли ва тўлиқ ахборот олиш;

туғилишни тартибга солишнинг хавфсиз усулларидан ва контрацепциядан фойдаланиш;

тиббий-профилактика хизматларидан фойдаланиш ва соғлиққа хавф солувчи воситалардан, шу жумладан илмий тажрибалар қўлланилишидан ҳимояланиш;

ўз репродуктив ҳуқуқларини амалга ошириш чоғида тиббий-ижтимоий ҳамда психологик ёрдам ва ахборот олиш;

ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш.

Қонунда принциплар, давлат сиёсатининг йўналишлари, фуқароларнинг репродуктив ҳуқуқларини амалга оширишдаги давлат кафолатлари белгиланган.

Шунингдек, фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш бўйича профилактика чора-тадбирлари, контрацепциядан фойдаланиш, ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатиш масалалари қайд этилган. Қонуннинг 15-моддаси ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш масалаларига бағишланган. Унда айтилишича, улар уруғлантиришнинг айрим ёки барча босқичлари аёлнинг организмидан ташқарида амалга ошириладиган ҳомиладорликка эришишга қаратилган тиббий технологиялар, даволаш усуллари ва муолажаларидан иборатдир. Ушбу технологиялардан фойдаланиш тартиби соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Белгиланишича, ёрдамчи репродуктив технологиялар қўлланилганда репродуктив саломатликни сақлаш соҳасидаги барча хизматлар шифокорлик сирини сақлаган ҳолда кўрсатилади ва ахборот махфий бўлади.

**Ушбу қонун билан фуқароларнинг репродуктив ҳуқуқлари қафолатланганми?**

**Ҳужжатда қайд этилишича, давлат фуқароларнинг қуйидаги ҳуқуқлари кафолатланади:**

репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш ва уларнинг репродуктив ҳуқуқларини амалга ошириш;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича хизматларнинг ҳаммабоплиги ва изчиллиги;

таҳқирлаш, таҳдид ва зўравонликларсиз соғлом оилани шакллантириш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш;

уларнинг шахсий ҳаётига аралашмаслик, шахсий ва оилавий сирларни сақлаш;

бепул биринчи тиббий-санитар ёрдам;

фуқароларнинг мустақил қабул қилган қарорлари асосида репродуктив ҳуқуқларини амалга ошириш.

Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш фуқароларнинг репродуктив саломатлиги тўғрисидаги ишончли ва тўлиқ маълумотларни олиш, ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги тадбирлар, даволаш жараёнлари ҳамда хизматлар, ҳомиладорлик, болани туғиш жараёнида асоратсиз, муаммоларсиз кечишини таъминлаш, репродуктив тизимлар касалликларидан огоҳлантириш ва даволаш, жинсий йўл билан юқувчи касалликлардан огоҳлантириш ва уларни даволаш, ҳомиладорликдан хавфсиз сунъий танаффус, контрацепция услублари тўғрисида маълумот олиш кабиларни назарда тутади.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қатор мақсадли миллий дастурлар амалга оширилди. Болаларнинг ирсий ва туғма касалликлар билан туғилишининг олдини олиш мақсадида республика ва ҳудудий скрининг марказлари ташкил этилди.

Шубҳасизки, ушбу амалга оширилаётган чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5590-сонли Фармони асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини 2019 – 2025 йилларда ривожлантириш Концепциясида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш, бу албатта, биринчи навбатда, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш конституциявий ҳуқуқларимизни самарали амалга оширилаётганидан далолатдир.

**Фарингиз САФАРОВА,**
**Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судья катта ёрдамчиси, "Ҳуқуқ ва тиббиёт" йўналиши магистратура талабаси.**

*Здоровый образ жизни*

# ФИЗИЧЕСКИЕ УПРАЖНЕНИЯ УЛУЧШАЮТ НЕЙРОПЛАСТИЧНОСТЬ МОЗГА

***Человеческий мозг имеет более 100 миллиардов нейронов. Мозг считается самым сложным и загадочным органом человека. Раньше были уверены, что нервные клетки не имеют способности к восстановлению, чуть позже ученые пришли к выводу, что процессы нейрогенеза (формирование новых нейронов и связей между ними) могут протекать в мозгу только до 14-ти лет.***

Но на стыке XX и XXI столетий исследователи доказали, что нейроны могут восстанавливаться на протяжении всей жизни человека. Кроме того, могут образовываться новые нервные клетки.

Оказалось, что мозг обладает, так называемой нейропластичностью. Нейропластичность мозга – фактор, без которого люди никогда не стали бы разумными. Не обладай мозг нейропластичностью мы не смогли бы извлекать уроки из собственного опыта и учиться чему-то новому.

Мозг нуждается в регулярной гимнастике – она называется нейробикой. Ведь любые привычки, устоявшиеся стереотипы и шаблонные действия в разы снижают нейропластичность мозга. Тренировка способна приостановить этот процесс, а при должном упорстве, даже повернуть его вспять.

Если днями напролет лежать на диване или сидеть перед компьютером, не уделяя при этом времени даже на спокойные прогулки по парку, можно на своем опыте испытать ужасы плохого состояния здоровья. Малоподвижный образ жизни может стать причиной развития не только опасных заболеваний, но и серьезно ухудшить работоспособность головного мозга. Чтобы избежать этого, рекомендуется регулярно выполнять физические упражнения, однако многие люди попросту не знают, с чего начать.

Недавно австралийские ученые провели исследование, в ходе которого выяснили, каким образом людям нужно тренироваться, чтобы улучшить работу своего мозга. Как оказалось, существует особенный вид тренировок, который улучшает нейропластичность мозга.

Ранее считалось, что мозг способен меняться под воздействием мыслей, поведения и новых знаний только в детстве, но психологи все чаще находят доказательства того, что это происходит даже со взрослыми организмами. Считается, что чем большей "пластичностью" обладает мозг человека, тем лучше он обучается новым навыкам и быстрее запоминает информацию. По мнению австралийских ученых, нейропластичность мозга можно увеличить при помощи определенных физических нагрузок.

**Влияние спорта на мозг**

Чтобы выяснить, как физические упражнения влияют на способность человеческого мозга меняться под воздействием опыта, австралийские ученые во главе с Эшли Смит изучили большой объем данных. В их распоряжении оказались результаты нескольких экспериментов, в которых изучалась реакция мозга 128 мужчин и женщин в возрасте от 18 до 65 лет на различные физические нагрузки. Люди были разделены на несколько групп, которые выполняли легкие и тяжелые упражнения с разной периодичностью. По данным научного издания Journal of Science and Medicine in Sport, состояние их головного мозга оценивалось до и после тренировок.

Анализ показал, что человеческий мозг увеличивает свою пластичность при выполнении как минимум двух видов тренировок. Во-первых, положительный эффект на мозг оказала 20-



минутная тренировка, при которой чередуется низкая и высокая нагрузка на организм. Во-вторых, улучшить пластичность мозга можно выполняя 25-минутные аэробные упражнения, при которых активируются большое количество мышц и вдыхается большое количество кислорода. В конечном итоге можно сказать, что бег на большие расстояния, езда на велосипеде, плавание и танцы вполне могут улучшить состояние мозга.

Ученые объяснили пользу вышеупомянутых видов физических нагрузок тем, что они нормализуют содержание в крови человека кортизола. В ходе предыдущих исследований ученые выяснили, что именно этот гормон приводит к снижению нейропластичности мозга. Скорее всего, чередование легких и тяжелых упражнений, а также проведение аэробных тренировок, снижает уровень кортизола и способствует улучшению сообразительности.

**Тренировка нейропластичности**

*Упражнение первое*

Заключается в том, чтобы человек периодически оказывался в малознакомых ему местах. Это очень полезно для мозга. Иногда, когда появляется свободное время, посещайте те части Вашего населенного пункта, в которых Вам не доводилось бывать или доводилось, но редко или совсем давно. Также меняйте и привычные для Вас маршруты, например, при возвращении домой, когда отправляетесь на работу или к кому-нибудь в гости.

*Упражнение второе*

Сразу после пробуждения (по утрам) вдыхайте различные ароматы. Это упражнение помогает мозгу быстрее проснуться и настроиться на работу. Можно вдыхать ароматы духов, дезодорантов, трав, специй, эфирных масел.

*Упражнение третье*

Важно максимально активировать органы чувств, которым в повседневной жизни редко приходится функционировать на полную мощь. К примеру, закройте глаза и постарайтесь сориентироваться в своей спальне, гостиной, кухне. Как вариант можно провести гигиенические процедуры с прикрытыми веками.

*Упражнение четвертое*

Старайтесь чаще выполнять задачи, с которыми ранее Вам сталкиваться не доводилось. Секрет в том, что, когда человек не знает, с какого бока подступиться к работе, его мозг начинаем функционировать на максимальных оборотах.

*Упражнение пятое*

На поступающие Вам вопросы старайтесь каждый раз отвечать нестандартно, то есть не так, как привыкли. Можно задавать вопросы мысленно самому себе и сразу находить на них несколько разных вариантов ответа.

*Упражнение шестое*

Приучите себя хотя бы иногда читать литературу, которая не вызывает у Вас интерес, например, охота или классическая музыка. И необязательно углубляться в изучение неинтересных тем. Достаточно будет поверхностного ознакомления.

*Упражнение седьмое*

Заключается в просмотре любого видео, к примеру, какой-то телепередачи, в отсутствие звука. При этом, следя за движениями губ и мимикой людей на экране, нужно постараться озвучить их. Это не только прекрасно тренирует мозг, но и здорово поднимает настроение.

**Использование мозга по максимуму**

Учеными сравнивают мозг с мышцами. Если мышцы постоянно тренировать, они становятся сильными и выносливыми. Если не тренировать, то, со временем они слабеют, а потом и вовсе атрофируются. То же самое касается и мозга. Чтобы тренировать мозг, усилить нейропластичность и развить когнитивные навыки по максимуму – специалисты рекомендуют систематически:

разгадывать кроссворды, решать шарады, головоломки, логические задачи, читать разную литературу, собирать пазлы, заучивать тексты наизусть (прозу, стихотворения), увеличивать словарный запас, изучать иностранные языки.

Помните о ключевом принципе нейробики. Он заключается в регулярном изменении своих привычных действий. Систематически выдвигайте перед собственным мозгом задачу выполнять любую работу непривычным методом. И в ответ мозг будет благодарен Вам, что выразится в его превосходном функционировании.

**Полосу подготовил Маъсуда ТУРАХАНОВА.**

*Актуальная тема*

# ОСТОРОЖНО: БЕШЕНСТВО!

***Бешенство – тяжелое инфекционное заболевание. Возбудителем его является мельчайший микроорганизм-вирус, который по нервным путям попадает в мозг человека или животного и поражает его. Выделяется вирус со слюной больного животного за 10 дней до его падежа или за несколько дней до появления признаков заболевания животного.***

**Заразиться** можно при укусе, при попадании слюны на царапину, ссадину или даже неповрежденную кожу (на которой всегда имеются невидимые трещины), слизистые оболочки глаз, полости рта, носа, при соприкосновении с каким-либо предметом или одеждой, загрязненными слюной бешеного животного.

Бешенством болеют все теплокровные животные, чаще других – собаки, кошки, лисы, волки, шакалы, барсуки и другие животные. От человека человеку бешенство, как правило, не передается, заражают людей и друг друга животные. Особую опасность представляют бродячие собаки, безнадзорные кошки, а из диких животных – лисы, шакалы, волки которые в период болезни теряют страх перед человеком и заходят в населенные пункты.

**Признаки** этой болезни очень разнообразны. Наиболее характерны – слюнотечение, рвота, водобоязнь, агрессивность, паралич задних конечностей, паралич мышц нижней челюсти и затрудненное глотание.

Основные признаки могут быть выражены слабо или вообще отсутствовать, в результате чего болезнь поздно распознают и не принимают необходимых мер предосторожности. Поэтому, если у животного наблюдается необычное поведение и, тем более, если оно кого-то покусало, его надо немедленно изолировать и сообщить в ветеринарную службу. Владельцы собак обязаны постоянно держать их на привязи, в условиях, исключающих покус людей и общение с бродячими животными. На прогулку их следует выводить на коротком поводке и наморднике. **Вновь приобретенная собака должна быть зарегистрирована и привита против бешенства в районной ветлечебнице.**

Заболевание бешенством известно давно, но никакие средства не спасали людей и животных от этой болезни. Каждый заразившийся был обречен "Нет болезни мучительней и ужасней, как водобоязнь. Когда впервые мне довелось увидеть бешеного человека, я дней пять потом ходил как шальной и возненавидел тогда всех в мире собачников и собак", – так писал А. П. Чехов. Только в конце 19-века французский ученый Луи Пастер применил предохранительные прививки против бешенства, которые надежно предохраняют искусанных бешеными животными от заболевания.

**Профилактика.** Укусы, царапины, нанесенные даже внешне здоровыми животными, надо срочно обильно промыть под струей воды, лучше с мылом. Пострадавший человек должен немедленно обратиться за медицинской помощью.

**Пострадавшие могут получать соответствующие лечение круглосуточно в любой день, включая воскресенье и праздничные дни, в травматологических пунктах ЛПУ.**

Для успеха лечения в период получения прививок нужно избегать переутомления, переохлаждения, перегревания, полноценно питаться.

Нельзя употреблять алкогольные напитки (даже пиво), так как алкоголь уничтожает действие вакцины.

Эффективность прививок зависит от своевременного обращения за медицинской помощью. Каждый пропущенный день – угроза здоровью.

***Если у Вас во дворе, на работе, на улице, в школе, ДДУ появились бродячие, бесхозные собаки, то Вы можете вызвать сотрудников спецмехотряда для их отлова по телефонам:***
***71-247-72-27; 71-227-48-01; 71-227-48-05***
***Центральная диспетчерская служба.***



*Прекращение курса прививок или нарушение режима также может быть опасно для жизни.*

**Елена ПОСТНИКОВА, эпидемиолог отдела эпидемиологического мониторинга и профилактических мероприятий ЦСЭБ, Ташкент.**

## Спорт

# ШИФОКОРЛАР САЛОМАТЛИК САРИ КУРАШДИЛАР

*Қарши шаҳрида Ўзбекистон шифокорлари ўртасида футзал бўйича 1-DIFFA кубоги ("DIFFA 1th Uzbekistan Doctors Cup of Futsal Karshi-2020") ўтказилди. Мусобақалар Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти спорт залида ташкил этилди.*



Унда Тошкент, Сирдарё, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари шифокор-футболчилари ўзаро куч синашишди. Муросасиз кечган баҳсларда финалга Хоразм ва Бухоро вилоятлари вакиллари чиқишди. Финал ўйинида эса бухороликлар ғолиб бўлиб, мусобақа кубогини қўлга киритишди. Хоразмликлар иккинчи, мезбонлар вакиллари эса учинчи ўрин билан кифояланишди. Қашқадарёликлар вакили Ражабали Тожиев «Мусобақанинг энг яхши ҳужумчиси», бухоролик Ҳамид Саидов «Энг яхши дарвозабон», хоразмлик Мурoджон Файзиев «Энг яхши ҳимоячи» сифатида эътироф этилди.



Мусобақалардан асосий мақсад Президентимизнинг 2018 йил 18 декабрдаги "Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда соғлиқни сақлаш вазирлигининг бу борадаги тегишли буйруғи ижросини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, гиёҳвандликка, ичкиликбозликка, кашандаликка ҳамда ортиқча вазнга қарши курашишдан иборат бўлди.



Эслатиб ўтамиз, DIFFA (Doctors International Federation of Football Associations) томонидан мамлакатимиздаги шифокорлар ўртасида бир қатор нуфузли спорт мусобақалари ташкил этиб келинмоқда. Ўтган йилнинг ноябрь ойида пойтахтимизда ўтказилган DIFFA UMFT 2019 V чемпионати ҳам иштирокчиларда ёрқин таассуротлар қолдирган эди. Ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларида шифокорлар ўртасида футбол жамоаларини шакллантириш, улар ўртасида турли мусобақалар уюштириш ҳамда бу борада фаоллик кўрсатаётган тиббиёт ходимларини рағбатлантиришда мазкур ташкилотнинг ўрни катта бўлмоқда.

**Албатта, бу каби мусобақалар инсон саломатлигига қаратилганлиги билан алоҳида ўринга эга, десак муболаға бўлмайди. Шунингдек, ўз касбининг моҳир усталари бўлган шифокорларимиз ҳам спортнинг футбол мусобақасида ўз иқтидорига эга эканликларини яна бир бора намоён этдилар.**

## Дил изҳори

# ЭЗГУ ТИЛАКЛАРИМ СИЗЛАРГА

**Самарқанд вилояти Нарпай тумани тиббиёт бирлашмасига илк бор ташриф буюрганлар шифохонага эмас, соғломлаштириш масканига келиб қолгандек бўлади. Сабаби, замон талабларига монанд жиҳозлаган шинам ва озода палаталар кишида шундай таассурот уйғотади.**

Дарҳақиқат, бундай кайфият беморлар учун барча шароитлар яратилган шифохона ҳовлисидан бошланади. У ердаги мевали, манзарали дарахтлар, турли гуллар ҳар бир инсонга ана шундай завқ бағишлайди.

Яқинда юрак соҳамда қаттиқ санчиқ туриб, қон босимим кўтарилиб кетгач, мазкур шифохонанинг терапия бўлимига мурожаат қилдим. У ердаги мутахассислар менинг тезда соғайиб, оилам бағрига қайтишим учун меҳр ва беминнат ёрдамларини аяшмади. Бунинг учун бўлим мудири Гулмира Жалилова, бош шифокор Ғулом Эргашев, тажрибали шифокорлар - Бахтиёр Худоёров, Фахриддин Бобоёров, катта ҳамшира Моҳира Рўзимуродова, уқаловчи Шоҳида Очилова ва дорихона мудири Илёс Тангрибердиевларга чуқур миннатдорлик билдираман. Мен каби бу ерда даволанган беморлар, жумладан, Роҳила Шарипова ҳам шифохонанинг барча мутахассислари қатори Гулмира Жалилова ҳамда бош шифокор Ғулом Эргашевдан беҳад мамнун эканлигини изҳор қилди.

Халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашда бор билим ва меҳнатлари, фидокорона хизматларини аямаётган "қўли енгил" шифокорларимиз бахтимизга омон бўлишсин.

**Сафия НАЗАРОВА.**

# УЗОҚ УМР КЎРИШНИ ИСТАСАНГИЗ, ҚАТИҚ ИЧИНГ!

*Ҳар биримизнинг рўзғоримизда топиладиган, фойдали ичимлик – қатиқдир. Табобатда ушбу ичимликнинг бир қанча хусусиятлари эътироф қилинади.*



– Олимларнинг бир қатор илмий тадқиқотлари натижасига кўра қатиқ сурункали гастрит, атеросклероз, диабет, ишемия, дисбактериоз ва гипертония касалликларининг олдини олишда ажойиб восита саналади. Шифоси учун ҳар куни овқатдан 15 дақиқа ўтиб ичиш тавсия этилади.

– Қатиқ жигар циррози профилактикасида ҳам ўзини оқлай олган. Шунингдек, жигар фаолияти билан боғлиқ хасталикларда ҳам қатиқ ичиш фойдали.

– Тана вазнингизни камайтириш илинжида бўлсангиз, ёғсиз қатиқ аъло восита бўлолади. Қатиққа майда тўғралган редиска ва кўкатларни аралаштирсангиз, тайёр салат бўлади.

– Болалар учун ёғли қатиқнинг бир кун аввал тайёрлангани фойдалироқ. Айниқса, қорин оғриқлари, овқат ҳазм бўлиши ва ич кетиши билан муаммо кузатилса, янги ивитилган қатиқ ичилмагани маъқул.

– Мунтазам қатиқ истеъмол қилиш қонда қанд миқдорининг ортиб кетмаслигини таъминлайди. Агар оилангизда қандли диабет билан оғриганлар бўлса, қатиқни канда қилманг.

– Ухлашга ётишдан аввал ичилган бир стакан қатиқ ошқозон-ичакларга ижобий таъсир кўрсатиб, тинчлантиради.

– Асабий ва иштаҳасиз бўлсангиз, эрталаб нонуштадан ярим соат аввал бир стакан қатиб ичиб олинг.

– Юз терингиз қуруқлашиб кетган бўлса, қатиққа озроқ майдаланган кўкатларни аралаштириб, ниқоб ўрнида фойдаланиш мумкин.

– Қатиқнинг тинчланитирувчи ҳамда тетиклаштирувчи хусусияти климакс давридаги аёллар, ҳомиладор ва эмизиклилар учун асқотади. Шунингдек, ҳайз олди безовталикларини енгиллаштиришда ҳам қатиқ ичиб туриш фойда беради.

Узоқ умр кўришни истасангиз, ҳар куни бир стакан қатиқ ичинг. Шунда организмингиз кун сайин ёшариб бораверади.

**Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.**

## Обуна – 2020



**Ҳурматли муштарийлар! «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2020 йил обуна мавсуми давом этмоқда. Республикамиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг!
Нашр индекси: 128.**

## Диққат!

**Ҳурматли муштарийлар! "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана" газетасининг телеграм ижтимоий тармоғидаги расмий канали доимий фаолиятда. Эндиликда севимли нашрингизнинг ҳар бир сонини PDF формат шаклида @uzssgzt манзили орқали кузатиб боришингиз мумкин.**

**Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

**Бош муҳаррир Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари Ибодат СОАТОВА**

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371) 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 1629 нусха. Буюртма Г-250.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.